

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЪЗАМОВА МАЛОХАТ НАДЖИМОВНА

**МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА
ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ- 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Аъзамова Малохат Наджимовна

Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш 3

Аъзамова Малохат Наджимовна

Совершенствование системы формирования навыков сотрудничества на основе дружеских отношений у воспитанников подготовительных групп. 21

Azamova Malohat Nadjmovna

Improving the formation system of pupils in preparatory groups of friendly-based collaboration skills 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЪЗАМОВА МАЛОХАТ НАДЖИМОВНА

**МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА
ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2019.3.PhD/Ped539 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mdomoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодирова Фотима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматкулов Давлатжон Маҳаматжонович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

Д.О.Химматалиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.д.

[Handwritten signature]

Н.Х.Раҳманкулова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида сифатли мактабгача таълим инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий ҳаётдаги муваффақиятларини таъминлашдаги муҳим инвестиция сифатида белгиланмоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари, шунингдек, ЮНИСЕФнинг мактабгача таълим тизимини ривожлантириш стратегиясида илк ёшдан оқ сифатли мактабгача таълим билан қамровни ошириш ҳамда мактабгача таълим тизимини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш кўрсаткичлари асосий индикаторлардан бири сифатида қайд этилган.

Жаҳондаги илғор тажрибалар асосида республикамизда мактабгача таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш эҳтиёжининг мавжудлиги туфайли бу соҳада муайян ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тизимини ривожлантириш, болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, ота-оналар билан тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, мактабгача таълим ташкилотлари учун вариатив дастурларни қўллаш, инновацион педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш, болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш учун қулай педагогик шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, илғор ҳорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини амалиётга жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг инновацион тизимини ташкил этиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни¹, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси²нинг қабул қилиниши мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, мактабгача таълим тизимида инновацияларни, шунингдек, энг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устивор вазифа сифатида белгиланган.

Ислохотлар мактабгача таълим ташкилотларидаги педагогик жараён самарадорлигини таъминлаш, машғулотларни замонавий дидактик материаллар билан бойитиш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш тақозо этади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга оид тадқиқотлар болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар мамлакатимиз олимларидан Ф.Қодирова, Л.Мўминова, М.Расулова, К.Мамедов, Б.Джураева, С.Абиджанова, Б.Джураева, Ш.Шодмонова, Ш.Содиқова, Н.Джамилова, Г.Джанпеисова, Л.Миржалалова, Д.Шарипова, Н.Абдуллаева, Н.Режаметова, И.Тўйчиева, Н.Эгамбердиева, Д.Бобоева, Ф.Вахобова, Х.Тожибоевалар, ҳамкорлик масалалари юзасидан тадқиқотлар эса мамлакатимиз олимларидан Р.Сафарова, Н.Дилова, Б.Саъдуллаев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи шахсини ривожлантириш хусусиятлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан В.Давидов, Е.Авилова, О.Солнцева, Н.Менчинская, Т.Данилина, Л.Волобуева, Н.Жирнова, Т.Кузнецова, Э.Нанейшвили, Н.Васильева, Н.Ньюкомб, А.Петровский ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиш имкониятларини кенгайтириш асосида уларни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари хорижлик олимлар Джон Дьюи, М.Монтессори, А.Кирстен, Хансен, К.Роксана Кауфманн, Жан Пиаже, Кейт Берк Уолш каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-1-31247 – “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини

шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2012-2016 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабга тайёрлаш босқичида болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги назарий-методологик жиҳатдан асослаш;

мактабгача таълим соҳасидаги халқаро тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари ва йўналишларини аниқлаш;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитига тайёрлашнинг дидактик параметрларини асослаш;

мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимининг самарадорлигини аниқлашга оид экспериментал тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш жараёни танлаб олиниб, Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотларининг 712 нафар респондент-тарбиячилари ва 1511 нафар тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача таълим ташкилотлари мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни, шакллари, усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга таълуқли манбалар, меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, тарбияланувчилар фаолиятини қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва педагогик ташхислаш, педагогик эксперимент, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

мактабга тайёрлаш босқичида болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни Давлат талаблари асосида тайёрлов гуруҳи болаларининг ёш-индивидуал, ижтимоий-ҳиссий, когнитив-ижодий ривожланиш индикаторларига устуворлик бериш асосида дидактик жиҳатдан такомиллаштирилган;

болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёни ташкилий-дидактик тизими тарбиячиларнинг инновацион фаолияти, вариатив ахборот-методик таъминот, ота-оналар билан кооператив ҳамкорлик тизими компонентларининг синергетик интеграциясини назарий жиҳатдан таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик тизими “Илк қадам” ва “Илм йўли” (6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш) давлат ўқув дастурлари асосида такомиллаштирилган;

мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнини инновацион ёндашувлар (фаолиятли, ривожлантирувчи, диалогга асосланган, педагогик қўллаб-қувватлаш, ўзаро кўмаклашиш, шахсга йўналтирилган) асосида ташкил этишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари ва йўналишлари аниқланган;

мактабгача таълим соҳасидаги халқаро ва маҳаллий тажрибаларни интеграциялаш асосида соҳага оид таянч тушунчалар муаллифлик ғояларига асосан такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг самарадорлик даражасини таъминловчи шакл, метод ва воситалари ҳамда дидактик параметрлари асосланган;

“Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси” бакалавриат таълим йўналишининг ўқув-методик таъминоти мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнига доир тавсиялар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган муайян педагогик тизим, жараён модели, ушбу моделнинг педагогик-

психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим педагогикаси, мактабгача таълим менежменти фанларининг мазмуни, ўқув-услубий таъминотини бойитишда, мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларини малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, мактабгача таълим ташкилотларида таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган педагогик жараёнлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-амалий таклифлар, илмий хулосалар асосида:

мактабга тайёрлаш босқичида болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни, тайёрлов гуруҳи болаларининг ёш-индивидуал, ижтимоий-ҳиссий, когнитив-ижодий ривожланиш индикаторлари билан боғлиқ тавсиялардан педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” бакалавриат таълим йўналиши, шунингдек мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини малакасини ошириш курслари малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 03-02/1-1114-сонли маълумотномаси). Натижада педагогика олий таълим муассасалари ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини малакасини ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг ташкилий-дидактик тизими тарбиячиларнинг инновацион фаолияти, вариатив ахборот-методик таъминот, ота-оналар билан кооператив ҳамкорлик тизими билан боғлиқ илмий ғоялардан педагогика олий таълим муассасалари учун “Мактабгача педагогика” фанидан тайёрланган ўқув қўлланма мазмунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 03-02/1-1114-сонли маълумотномаси). Натижада педагогика олий таълим муассасалари “Мактабгача таълим” бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар, ишламалар “Илк қадам” Давлат ўқув дастури ва “Илм йўли” (6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш) вариатив дастури мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 03-02/1-1114-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона

муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик тизими такомиллаштирилган;

мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялардан Ф1-ХТ-1-31247 –“Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 01-02/2-2-93-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим соҳасидаги халқаро ва маҳаллий тажрибаларни интеграциялашнинг ташкилий-педагогик, методик шарт-шароитлари мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Таълим олувчиларни ўзаро дўстона муносабатларга асосланган педагогик ҳамкорлик жараёнига олиб киришнинг назарий-эмпирик асослари”** деб номланган бўлиб, унда мактабга тайёрлаш босқичида болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, мактабгача таълим соҳасидаги халқаро тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида фикр юритилган.

Мазкур бобда мактабгача таълимни давр талаблари асосида такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллаётганлиги таъкидланади. Мактабгача таълимнинг асосий мақсади болаларни интеллектуал, жисмоний, маънавий ривожлантириш, уларни мактаб таълимига самарали тайёрлашдан иборат.

Мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсати мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларининг давлат ва нодавлат тармоқларини ривожлантириш, мазкур тизимга инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш, педагогларнинг инновацион фаолияти кўламини кенгайтириш, тарбиячилар ва мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларнинг малакасини ошириш мазмунини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни тўлиқ қамраб олиш, болаларни мактабга тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этишга қаратилган талаблар илмий асосланган.

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар орасида ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш ўйин, суҳбат, қисқа муддатли экскурсиялар уюштириш, эртақлар ўқиб бериш ва уларни қайта сўзлатиш жараёнида амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, мактабгача таълим ташкилотларининг тайёрлов гуруҳларида болаларни ҳамкорликка асосланган фаолиятга тайёрлаш улар учун қизиқарли ва ривожлантирувчи иш шакли бўлиши билан бир қаторда бошланғич таълим жараёнида уларнинг мураккаброқ ўқув материалларини биргаликда ўзлаштиришларига замин ҳозирлайди. Илмий-педагогик таҳлиллар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлаш қуйидаги мақсадларни назарда тутуди: болаларни мактабгача таълим ташкилотлари ва бошланғич синфларда ҳамжиҳатликда мустақил ишлашга тайёрлаш; болаларда ҳамкорликда мустақил меҳнат қилиш маданияти элементларини таркиб топтириш; болаларнинг ижодий лаёқатларини ривожлантириш; болаларда муайян соҳаларга нисбатан қизиқиш ва жамият аъзолари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишнинг муҳимлиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш; болаларда таҳлилий тафаккурни таркиб топтириш кабилар.

Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнини ҳамкорликка асосланган педагогик тафаккур доирасида ташкил этиш натижасида уларда қуйидаги кўникмалар шакллантирилади: а) дидактик материаллар устида ҳамкорликда ишлаш; б) топшириқларни биргаликда мустақил бажариш; в) ўзлаштирилган ахборотларни таҳлил қилиш; г) ижодий лаёқатларини ривожлантириш кабилар. Бунинг натижасида мактабгача таълим ташкилотларида болалар ўзларини қулай ҳис қилади, ўзларига ташқаридан назар ташлашга одатланади, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолай бошлайди. Натижада ўз камчиликларини аниқлашга эришади, бир-бирларининг фикрларини тинглай бошлайди, тенгдошларининг фикрларига эътибор қаратади, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш кўникмасини эгаллайди.

Мактабгача таълим жараёнида болаларни ҳамкорликка ўргатиш қуйидаги имкониятларга эга: агар болалар гуруҳдаги тенгдошлари билан муваффақиятли ҳамкорлик ўрнатса, машғулот жараёнида билиш операцияларини самарали бажаради; болалар гуруҳдаги тенгдошлари билан муваффақиятли мулоқот ўрнатганда уларнинг сўз бойликлари жадал тарзда ортади; мактабгача таълим жараёнида болаларнинг ижтимоий ҳамкорликка киришишлари натижасида муайян билимларни ўзлаштирган болалар жамоаси

хосил бўлиб, улар ўзаро мулоқот жараёнида янги ахборотларни ўзлаштиришга тайёр бўлади ҳамда билиш операцияларини биргаликда бажаради.

Мактабга тайёрлаш даврида ўқув ҳамкорлигининг қуйидаги турларини амалга ошириш мумкин: тарбияланувчилар билан тарбиячиларнинг таълимий ҳамкорликларини амалга ошириш; болаларнинг гуруҳдаги тенгдошлари билан таълимий ҳамкорликларини ташкил этиш; тайёрлов жараёнида боланинг ўз-ўзини таниши ва ўрганилаётган таълимий материаллар билан мулоқотга киришишини амалга ошириш кабилар.

Хорижий тажрибаларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин: Германиядаги бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, тарбиячилар малакасини мунтазам ошириб боришлари ва уларга қўйиладиган малака талабларининг юқорилиги, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш ва улар билан ҳамкорликдаги ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, “Оналар мактаби”, педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги тажрибалардан самарали фойдаланиш; Америка Қўшма Штатлари мактабгача таълим тизимидаги мактабга тайёрлов гуруҳларининг барча учун мажбурийлиги ҳамда болалар билимининг баҳолаиб сертификатлаштирилишига оид илғор тажрибаларни татбиқ қилиш; Греция мактабгача таълим муассасалари томонидан болалар таомномалари ва таълим-тарбия дастурларнинг олдиндан ота-оналарга тақдим қилиниши, уларни муассасага олиб келиш ва уйларига олиб бориб қўйиш учун транспортларнинг ажратилганлиги борасидаги ижобий тажрибаларини амалиётда қўллаш; Японияда мактабгача таълим тизимида хос бўлган ота-оналар билан тарбиячи ўртасида кундалик ахборот алмашиш, болалар учун табақалаштирилган бадал пули тўлаш, уларни ижтимоийлаштириш, жамоавий ҳаётга мослаштириш каби жиҳатлардан самарали фойдаланиш; Жанубий Корея мактабгача таълим муассасаларининг болаларни ривожлантириш, ота-оналар билан тарбиячилар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, мактабгача таълим ташкилотларида хорижий тилни чуқур ўргатиш, болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларга техника хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, табиат билан ошно қилишга оид тажрибаларини мамлакатимиз мактабгача таълим ташкилотларига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ўргатиш орқали ўқув фаолиятига тайёрлаш методикаси”** деб номланиб, унда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитига тайёрлашнинг асосий параметрлари ҳамда мактабгача таълим жараёнида болаларни ҳамкорликка ўргатиш орқали уларни билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Бугунги кунда мактабгача таълим жараёнининг вазифалари боланинг билиш кўникмалари, эстетик диди, мулоқотга киришувчанлиги, ахлоқий кўникмалари, жисмоний фаоллиги каби асосий кўникмаларини


ривожлантиришга қаратилганлиги билан асосланади. Айни пайтда, мактабгача таълим босқичини ўтаган болалар учун битирувчилар моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу моделда тарбияланувчиларнинг барча сифатлари, кўникма ва малакалари ўз ифодасини топиши лозим. Чунки шаклланган мазкур сифатлар, кўникма ва малакалар мактабгача таълим ташкилотлари тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига чуқур сингдирилган бўлиши зарур.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топиш даврида мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

Мазкур моделнинг асосий мақсади мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг асосий таркибий қисмлари сифатида Давлат талаблари асосидаги педагогик жараён мазмуни, болаларни ривожлантиришнинг зарурий йўналишлари ҳамда тарбиячиларнинг инновацион фаолияти ва таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги белгиланган.

Бизга маълумки, мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган дидактик жараён муайян педагогик-психологик хусусиятларга эга. Нутқ фаолиятининг ривожланиши боланинг интеллектуал тараққиёти давомида амалга ошади. Шу нуқтаи назардан бола нутқ фаолиятининг такомиллашиши қуйидаги икки йўналишда татбиқ этилади: 1. Боланинг нутқ фаолияти атрофдагилар билан кундалик мулоқот ва ҳамкорлик жараёнида такомиллашади. 2. Боланинг нутқ фаолияти махсус машғулотлар жараёнида бойиб, ривожланиб боради.

Тарбиячилар нутқ ўстиришнинг психологик-дидактик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиши ва болаларда қуйидаги кўникмаларни ҳосил қилишлари лозим: фикрнинг пайдо бўлиши ва қабул қилиш жараёнини ҳосил қилувчи сабабларни билиш; шахслараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш; инсоннинг фикр баён қилишига асос бўлувчи сабаблар, майлларга эга бўлиш; болалар нутқига хос жиҳатларни англаш; бир-бирларининг фикрларини тушуниш; саволларга жавоб бериш ва савол билан мурожаат қила олиш; муомала одобига амал қилиш; буюм ва нарсаларни тавсифлай олиш; буюмларнинг ўлчами, сифатини фарқлаш ва уни сўзда ифодалаш; буюмларнинг кимга тегишлилигини айтиб бера олиш; ўз хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг ҳаракатларини тавсифлай олиш; ўзлари ҳақида ҳикоя қилиш; оила аъзолари ва ўз исм-шарифи, ёши, ота-оналарининг қаерда ва қандай касбда ишлашларини айтиб бериш; ўзларининг қандай фаолият билан шуғулланишлари, тарбиячилари ҳақида гапириб бера олиш; расмдаги манзаралар ёки атроф-муҳитдаги ўзгаришларни айтиб бера олиш; 2 ёки 3 гапдан иборат матн туза олиш; атрофдагилар, ўртоқлари билан мулоқотга кириша олиш кабилар.



1-расм. Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

Мактабга тайёрлаш жараёнида болаларга кўмаклашиш, уларни педагогик жиҳатдан кўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш педагогик жараённинг муҳим вазифаларидандир. Бу соҳада муайян педагогик чоратadbирларни кўллаш зарурияти мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мактабгача таълим олдига қўйилган талаблар, дастурлар, методик кўлланмалар мазмунини янгилаш соҳасидаги ҳаракатлар жадаллашмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги халқаро ва маҳаллий тажрибаларга кўра болаларга ёрдам бериш ва уларни кўллаб-қувватлаш асосида бошланғич таълимга тайёрлаш бир қатор тамойиллар асосида амалга оширилиши тақозо қилинмоқда: умуминсоний қадриятларнинг болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун истиқболлилиги; мактабгача таълимнинг очиқлиги; таълим жараёнида бола ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишнинг устуворлиги; мактабгача таълимнинг инсонпарварлиги ва демократлиги; мактабгача таълим тизимининг кўпвариантлилиги; мактабгача таълим тизимининг болалар тайёргарлиги ва интеллектуал даражасини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг аксарият кўникмалари ўйин фаолиятига асосланган таълим-тарбия жараёнида шакллантирилади. Чунки ўйинлар мактабгача таълим жараёнида амалга ошириладиган ўқув-тарбиявий ишлар мазмунининг таркибий қисмини ташкил қилади. Айнан ўйинлар жараёнида болаларда мустақиллик, ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка киришиш, тенгдошлари билан яқин муносабат ўрнатиш, катталарнинг фикрларини тинглаш ва ўз муносабатини билдириш, ўзаро келишиш каби кўникмалар жадал шаклланади. Шу тариқа мактабгача таълим жараёни болаларнинг ривожланиш ва мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим воситасидир.

“Мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимининг самарадорлиги” деб номланган учинчи бобда мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлил натижалари келтирилган.

Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражалари қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланди: билиш фаолиятининг шаклланганлиги; дастлабки билим элементларининг ўзлаштирилганлиги муайян дунёқарашга эгалиги; жонли табиат ва кишилар меҳнати ҳақида тасаввурга эгалиги; сўз бойлигига эгалиги; маълум хатти-ҳаракатларни бажара олиш кўникмасининг мавжудлиги; буюмларни таққослаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш кўникмасининг шаклланганлиги; табиат

ходисалари ҳақида тушунчага эгаллиги; ўз жисмининг табиат билан боғлиқлигини англай олиши; кўргазмали образли тафаккурга эга бўлиши; атроф-оламдаги буюмларнинг асосий хусусиятлари ва улар орасидаги алоқадорликни билиши; кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли тарзда фикрлай олиши; зарур пайтда тарбиячидан етарлича кўмак ола билиши; мулоқотга кириша олиш кўникмаларининг шаклланганлиги; маҳсулдор фаолиятга интилиши; ўқиш истагининг вужудга келганлиги; ўқув фаолиятига киришишга тайёр бўлиши; ота-оналари, тарбиячилари ва тенгдошлари билан ижобий муносабат ўрната олиши; диққатининг марказлашганлиги; ўз-ўзини назорат қилиш усулларини ўзлаштирганлиги; ихтиёрий диққатнинг ривожланганлиги; дастлабки математик ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаганлиги; мантиқий тафаккур элементларининг таркиб топганлиги; белгилар тизимини идрок эта олиши; тарбиячи ўқиб берган эртак ва ҳикояларни сўзлаб бера олиши; ўз ҳаракатларини режалаштириш кўникмаларига эга бўлиши; эслаб қолиш кўникмаларининг шаклланганлиги; боғланишли нутқнинг шаклланганлиги; бадиий эстетик диднинг таркиб топганлиги; тил ўрганишга бўлган қизиқишнинг шаклланганлиги; ўқув фаолиятининг дастлабки усуллари таркиб топганлиги; тозалик қоидалари ва кун тартибига риоя қилишлари; ўзларига берилган топшириқларни мустақил бажара олишлари; зарур пайтда тарбиячи ва гуруҳдошлари билан ҳамкорлик ўрната олишлари; гуруҳдошларига нисбатан дўстона муносабатнинг таркиб топганлиги; машғулотларда фоллик кўрсата олишлари.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг болаларни ҳамкорликка ундаш асосида мактабга тайёрлаш соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларини қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш ҳамда баҳолашга ҳаракат қилдик: тарбиячининг болаларни яхши кўриши; болалар билан ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатганлиги; ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлиги; боланинг билиш фаолиятини ривожлантириш усуллари билиши; мактабга тайёрлаш машғулотларини лойиҳалаштира олиши; боланинг қийинчиликларини бартараф этиш усуллари билиши; болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш усуллари эгаллаган бўлиши; мактабга тайёрлаш босқичларини билиши; мактабга тайёрлаш жараёнида қўлланадиган педагогик чора-тадбирларни билиши; болаларни маънавий-ахлоқий, жисмоний, интеллектуал ривожлантириш воситаларини билиши; мактабга тайёрлаш машғулотларида болаларни фаоллаштириш усуллари қўллай олишлари; мураккаб характерли болаларга ёрдам кўрсатиш методларини қўллай олиши; Ўзбекистон Республикасининг Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва мактабгача таълим педагогикасига оид билимларни ўзлаштирган бўлиши.

Тажриба-синов ишлари жараёнида мазкур мезонлар асосида самарадорликнинг юқори, ўрта ва паст даражалари белгиланди ва ҳар бир даража кўрсаткичлари мазмуни аниқлаштирилди.

Мактабгатайёрлов гуруҳлари тарбиячи ва тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат гуруҳларидаги

ўзлаштиришларини юқоридаги мезонлар бўйича математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Тажриба-синов тўртта ҳудудда Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотларида сайланма тарзида тасодифий танлаш асосида ўтказилди. Тажриба-синовда жами 712 нафар респондент-тарбиячилар ҳамда 1511 нафар тарбияланувчилар иштирок этдилар.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттирамыз:

1 - жадвал

Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш кўрсаткичлари


	Гуруҳлар	Тарбияланувчилар сони	Самарадорлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
1.	Тажриба гуруҳи	758	410	259	89
2.	Назорат гуруҳи	753	165	246	342

2 - жадвал


Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбиячиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган жараённинг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (тадқиқот якунида тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги натижалар)

№	Гуруҳлар	Тарбиячилар сони	Самарадорлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
1.	Тажриба гуруҳи	358	207	115	36
2.	Назорат гуруҳи	354	114	125	115

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



2-расм. Тарбияланувчиларда самарадорлик даражаси



3-расм. Тарбиячиларда самарадорлик даражаси

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,42	1,77	0,4836	0,6171	1	2	17,11	1642,9	253,24	0,05	0,06
2,48	1,99	0,4496	0,6499	1	2	8,17	686,4	68,69	0,07	0,1

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Тарбияланувчиларда:

Бизга маълум $\bar{X}=2,42$; $\bar{Y}=1,77$; $\Delta_x = 0,05$; $\Delta_y = 0,06$; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,42 - 0,05}{1,77 + 0,06} = \frac{2,37}{1,83} = 1,3 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,42 - 0,05) - (1,77 - 0,06) = 2,37 - 1,71 = 0,66 > 0;$$

Тарбиячиларда:

Бизга маълум $\bar{X}=2,48$; $\bar{Y}=1,99$; $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,1$; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,48 - 0,07}{1,99 + 0,1} = \frac{2,41}{2,09} = 1,15 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,48 - 0,07) - (1,99 - 0,1) = 2,41 - 1,89 = 0,52 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлашбўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Шахслар орасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жамиятда осойишталик ва соғлом муҳитни вужудга келтириш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам болаларда мактабгача таълим ташкилотларидаёқ дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш алоҳида ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга.

2. Дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнининг асосий негизини ташкил этишини таъминлаш орқали болаларни ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлаш имкониятлари кенгайди. Чунки болалар 3-4 ёшдан бошлаб жамоавий фаолият тажрибасини ўзлаштиришга мойил бўладилар.

3. Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида улар орасида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш ниҳоятда зарур бўлиб, бундай кўникмалар уларнинг мактаб ҳаётига осон ва самарали мослашишини таъминлайди.

4. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликка ўргатиш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш ва биргаликдаги ўқув фаолиятига тайёрлашнинг назарий асосларини таҳлил қилишга интилдик. Аниқланган ёндашувларга асосланган ҳолда болаларни ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ўргатишда бир қатор педагогик шарт-шароитларга таяниш зарурлигини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

5. Бугунги кунда шахсга йўналтирилган таълим концепциясига таянилган ҳолда мактабгача таълим-тарбияни ташкил этиш, бу жараёнда болаларнинг дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитининг субъекти сифатида намоён бўлишларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантиришга эришиш, интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш устувор мақсадга айланганлиги аниқланди.

6. Мактабгача таълим жараёнининг болаларга таъсирини тўлиқ англаб етиш учун тарбиячилар ёш психологияси хусусиятлари асосларини яхши билишлари керак. Шунинг англаб етиш лозимки, мактабгача таълим ёшидаги болалар руҳиятида уларнинг биргаликдаги фаолият тажрибасига асосланган ҳолда ўзгаришлар рўй беради.

7. Кузатишларимиз натижасида аниқландики, мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланадиган болалар, биринчи навбатда, дўстлар орттириш ва улар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга эҳтиёж сезадилар. Бироқ бу жараёнда уларга тарбиячилар томонидан кўрсатиладиган педагогик ёрдам ҳамда мазкур ёрдамнинг шакллари ва кўламини аниқлаш зарурияти вужудга келмоқда.

8. Мактабга тайёрлаш жараёнида педагогик ҳамкорлик асосида болаларни ақлий ривожлантириш имкониятларини аниқлаш мақсадида тарбиячиларнинг тарбияланувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олишлари зарурлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина қийинчиликлар ва зиддиятлар болаларни мактабга тайёрлаш босқичида вужудга келиши дидактик жиҳатдан исботланди.

Ўтказилган изланишлар асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мактабга тайёрлаш жараёнида педагогик ҳамкорлик тамойилига таянган ҳолда болаларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш тизимини ишлаб чиқиш.

2. Тарбиячи-педагоглари ота-оналар ва бошқа таълим жараёни субъектлари билан ўзаро педагогик ҳамкорлигини самарали ташкил этиш асосида болаларни ақлий ривожлантиришга оид компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган қисқа муддатли масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш.

3. Мактабгача таълим ташкилотлари учун педагог кадрларни тайёрловчи педагогика олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режа ва фан дастурларига болаларни педагогик ҳамкорлик орқали ақлий ривожлантириш ва уларнинг билиш фаолиятларини кенгайтириш, мазкур жараённинг нейропедагогик хусусиятлари ҳамда болаларни ижтимоий ривожланишида учрайдиган муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга оид мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И
СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

АЪЗАМОВА МАЛОХАТ НАДЖИМОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ
СОТРУДНИЧЕСТВА НА ОСНОВЕ ДРУЖЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ У
ВОСПИТАННИКОВ ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫХ ГРУПП**

13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за **B2019.3.Phd/Ped539**.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.mdmo1.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадирова Фотима Рашидовна
доктор педагогических наук, профессор

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович
доктор педагогических наук(PhD), доцент

Ведущая организация:

Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «12» 08 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета Ph.D.12/30.12.2019.Ped.80.01 при институте переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений (Адрес: 100070, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений (зарегистрирована за №). Адрес: 100011, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27.

Автореферат диссертации разослан «12» 08 2020 года.
(протокол рассылки № от 2020 года).



К.Т.Олимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

Д.О.Химматилев
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.

Н.Х.Рахманкулова
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире качественное дошкольное образование определяется как важная инвестиция в развитие человеческого капитала, обеспечивающая его успешность в общественной жизни. В частности, в качестве одного из основных индикаторов отмечены цели устойчивого развития ООН до 2030 года, а также показатели увеличения охвата качественным дошкольным образованием с раннего возраста в стратегии дошкольного образования ЮНИСЕФ и совершенствования системы школьного образования на основе инновационных подходов.

Реформы в этой сфере наглядно показывают существующую потребность поднятия на новый качественный уровень системы дошкольного образования республики на основе мирового передового опыта. В этой связи отдельное значение приобретают научно-методические исследования, связанные с повышением профессионального мастерства воспитателей дошкольных образовательных организаций, формированием системы государственных и негосударственных дошкольных образовательных организаций, качественной подготовкой детей к школьному образованию, расширением масштаба взаимного сотрудничества воспитателей с родителями, применением вариативных программ для дошкольных образовательных организаций, внедрением инновационных педагогических и информационных технологий, созданием благоприятных педагогических предпосылок для гармоничного развития детей.

В нашей республике создаются нормативно-правовые основы для поднятия системы дошкольного образования на качественно новый уровень. В частности, принятие Закона Республики Узбекистан “О дошкольном образовании и воспитании”¹, Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года² послужили основой в создании условий для дальнейшего совершенствования системы дошкольного образования, укрепления материально-технической базы, расширения сети дошкольных образовательных учреждений, обеспечения квалифицированными педагогическими кадрами, коренного улучшения уровня подготовки детей к школьному образованию, внедрения современных образовательных программ и технологий в учебно-воспитательный процесс, интеллектуального, нравственного, эстетического и физического развития детей. Задачи, поставленные в данных нормативно-правовых актах, указывают на необходимость, повышения эффективности педагогического процесса в дошкольных образовательных организациях, дополнении его современными учебно-методическими материалами, привлечения в данную сферу квалифицированных педагогических и управленческих кадров.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон

²Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон

Данная исследовательская работа в определенной степени послужит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлениях Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования на 2017-2021 годы” от 29 декабря 2016 года № ПП-2707, “О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования” от 9 сентября 2017 года № ПП-3261, “Об организации деятельности Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан” от 30 сентября 2017 года № ПП-3305, “Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 мая 2019 года № ПП-4312, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности дошкольных образовательных организаций” от 13 мая 2019 года №391, а также в других нормативно-правовых актах данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Исследования, посвященные развитию образовательно-воспитательного процесса в дошкольных образовательных учреждениях, осуществлены такими учёными нашей страны, как Ф. Кадырова, Н.Эгамбердиева, Л. Муминова, М. Расулова, К. Мамедов, Б. Джураева, Ш. Шодмонова, Ш. Содикова, Н. Джамилова, Ф.Вахобова, Г. Джанпеисова, П.Юсупова, Л.Миржалалова, Д.Шарипова, Н.Абдуллаева, Н.Режаметова, И.Туйчиева, Д.Бабаева, Ф.Назарова и другими. Вопросы сотрудничества исследовали учёные нашей страны как Р. Сафарова, Н. Дилова, Б. Садуллаев и другие.

Особенности развития личности воспитанника в дошкольных образовательных организациях изучены в работах ученых Содружества Независимых Государств (СНГ) В.Давидова, Е.Авиловой, О.Солнцевой, Н.Менчинской, Т.Данилиной, Л.Волобуевой, Н.Жирновой, Т.Кузнецовой, Э.Нанейшвили, Н. Васильевой, Н. Ньюкомба, А. Петровского и других.

